

ЗОМИНСУВ ҲАВЗАСИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Сангирова Махфуза Ҳасановна-преподаватель

Джизакский государственный педагогический университет

Аннотация – Мазкур мақолада Зоминсув дарёси ҳавзасидаги қулай табиий географик шароитдан келиб чиқиб, экотуризмни ривожлантиришнинг баъзи бир жиҳатлари ўрганилиб, иш бўйича керакли таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар - Зоминсув ҳавзаси, Ғарбий Туркистон, табиий ёдгорлик, экотуризм, Супа платоси, Чортанги дараси, Миқ қабласи, ғорлар, Арчамозор зиёратгоҳи, булоқ, 300 ёшли шумтол.

WAYS OF ECOTOURISM DEVELOPMENT IN THE ZOMINSUV BASIN

Sangirova Mahfuza Hasanovna-teacher

Jizzakh State Pedagogical University

Abstract - This article discusses some aspects of ecotourism development based on favorable natural and geographical conditions of the Zominsuv River basin, and provides the necessary suggestions and recommendations for work.

Keywords - Zominsuva basin, Western Turkestan, natural monument, ecotourism, Supa plateau, Chortangi gorge, Mik fortress, caves, Archamozor sanctuary, spring, 300-year-old shumtol.

Ҳозирги вақтда экологик туризм “Туризм ва экскурсия жаҳон кенгаши”нинг ва «Бутунжаҳон туризм ташкилоти»нинг маълумотлари бўйича жадал ривожланиб бораётган туризм индустрияларининг асосий тармоқларидан бири бўлиб бормоқда. Вилоятда экотуризмнинг ривожланиши нафақат манавиятимиз, илм-фан, маданият, марифат, табиатни муҳофаза қилиш, экотуристларни жалб қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш муаммоларини ҳал қилишга балки, шу билан бирга иқтисодий масалаларни, маҳаллий халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш, янги иш

жойлари билан таминлашга катта ҳисса қўшади. Зоминсув ҳавзасидаги қулай табиий географик шароит мамлакатимиздаги экологик туризм ресурсларига бой ҳудудлар қаторида киради. Шу сабабли ички, халқаро туристик оқим ва екотуристтик оқим ҳам бизда кучайишининг жуда катта, салоҳиятли имкониятлари бор.

Зоминсув дарёси Ғарбий Туркистон тоғ тизмасининг Шовқортоғ, Зоминтоғ ва Молгузар тоғларидаги қор ва музларнинг эриши ҳамда кўплаб булоқ сувларнинг ўзаро қўшилишидан Зоминсув дарёси ҳосил бўлади. Зоминсув ҳавзаси Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида денгиз сатҳидан 550 м дан 4300 м гача бўлган баландликда жойлашиб, ўзининг ноёб табиий шароити бўйича атрофидаги тоғли ҳудудлардан кескин фарқ қилади ва аниқ табиий чегарага эга. Туркистон тизмасининг шу ҳудуди, ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, юмшоқ иқлимли ва барқ урган хилма-хил ўрмон ҳамда ўтлоқ ўсимликлари билан қопланган. Паст, ўрта ва баланд тоғлардан то қорли чўққиларгача (Шовқортоғ-4030 м) жуда кўп хилма-хил экзотик ландшафтлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу ерда туризмнинг барча турларини ривожлантириш учун ниҳоятда катта имкониятлар бор.

Зоминсув дарёсининг юқори сув йиғувчи ҳавзасида мавсумий муз ва қорларнинг эришидан тўйинувчи бир неча сой-булоқлар мавжуд бўлиб улар дарёнинг асосий оқим модулини ташкил этади. Хусусан ўнг томондан Галдираутсой, Усмонлисой, Ўриклисой келиб қўшилса, чап томондан Еттикечув ва унинг бир қанча (Кўлсув, Чандирсой, Қизилмарзасой, Қашқасув, Катташир) ирмоқлари Зоминсув дарёсининг асосий сув йиғувчи ҳавзасини ташкил қилади.

Зоминсув ҳавзасида йил мобайнида ер усти сувлари тўлин даври турли хил бўлиб, сувнинг энг кўпайган вақти май – июн ойига тўғри келади, яъни қорнинг интенсив эриш ва энг кўп ёмғир ёғиш вақтига, бу вақтда дарёлардаги сув сарфи, йиллик ўртача сарфдан 10-15 марта ошиб кетади. Ноябрьдан март

ойигача, дарёнинг сув баланси кам сувли межен ҳолатда бўлиб, бу вақтда эса дарё асосан ер ости сувларидан тўйинади.

Дарёнинг узунлиги 58 км, хавзасининг майдони 704 км² (Йўлдашев Н, 2012). Зоминсув қор, ёмғир ва сой-булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 1,83 м³/сек (Дуоба қишлоғи яқинида), энг катта сув сарфи 16,8 м³/сек (1969.28.05). Тўлинсув даври (апрель – август) да йиллик сув сарфининг 60 – 65 % оқиб ўтади, қишда баъзан қуриб қолади. Энг серсув даври – июнда, ўртача сув сарфи 4,56 м³/сек га тенг (1-жадвалга қаранг) Зоминсув дарёси кўплаб суғориш ишларига сарфланиши натижасида Ховос - Жиззах темир йўлига етмасдан Қўштамғали қишлоғидан 3,5 км жануби – шарқда тугайди.

Зоминсув хавзасидаги баъзи бир сойларнинг морфометрик кўрсаткичлари

1-жадвал

Дарёларнинг номи	Сув ҳаражатлари м ³ /сек												
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Йиллик
Зоминсув	0.86	0.87	0.89	1.43	2.85	2.90	2.15	1.40	1.20	1.11	0.97	0.03	1.43
Ўрикли	0.22	0.21	0.21	0.39	1.09	1.13	0.58	0.37	0.31	0.29	0.26	0.23	0.44
Еттикечув	0.52	0.53	0.53	0.87	2.23	2.66	1.58	1.00	0.72	0.69	0.60	0.52	1.04

Зоминсув дарёсининг асосий сувини Еттикечув дарёси беради. Зоминсув хавзасида Еттикечув хавзаси майдони катталиги ва табиатининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Еттикечув дарёсининг ирмоқлари бўлган Қашқасув, Қизилмозор ва Кўлсой ҳамда вақтинча оқувчи Шарилоқсув сойлари билан қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, хавзаси анча катта ҳисобланади.

Бу тўртала сойликни Чортанги дарасида қўшилишидан Еттикечув дарёси ҳосил бўлади. Дарё Чортанги дарасидан то Дуоба қишлоғига қадар Еттикечув деб номланади. Еттикечув дарёси Дуоба қишлоғида Ўриклисой билан қўшилиб Зоминсув дарёсини ҳосил қилади.

Еттикечув хавзаси табиий ёдгорликларга бойлиги ва экотуристлик объектларнинг кўплиги туфайли сайёҳларни доимий равишда ўзига жалб қилиб келган. Еттикечувнинг юқори оқимидан қуйига қараб экомаршрут йўналишини белгилайдиган бўлсак, Чортанги дараси, Миқ қалъаси, бир неча ғорлар, Арчамозор зиёратгоҳи, булоқлар, 300 ёшли шумтол ва бошқа бир қанча табиий ёдгорликларни томоша қилиш имкониятини беради.

Еттикечув дарёсининг юқори оқимида Чортанги дараси жойлашган. Чортанги дараси тубида Еттикечувнинг ирмоғи Кўлсой хайқириб оқиб, табиатини янада кўркамлаштиради. Даранинг қуйи қисмида эса тик қоя деворлари 300-400 метргача етади. Тепадан қарсангиз дара тубидаги Кўлсой базўр кўзга ташланади. Бу ерда кишини мафтун этадиган даражада хушманзара даралар, шовқини чуқурлик тубидан аранг етиб келадиган кўплаб шаршарали гўшаларни кузатиш мумкин. Чортанги дарасидан тўрт томонга янада чуқурроқ даралар билан тармоқланиб кетган. Уларда кўплаб кичик шаршаралар учрайди. Жумладан, Еттикечув дарёсининг ирмоғи бўлган Қизилсой сойлигида маҳаллий аҳоли томондан “Эсмеральда” деб аталадиган мафтункор шаршара жойлашган. Шаршара 5 м баландликдан тошларга урилиб, ўзига хос гўзал манзара ҳосил қилиб оқиб тушади.

Зомин – Бахмал туманларини боғлайдиган автойўлдан бор-йўғи 500 м лик узоқликда жойлашган “Эсмеральда” шаршараси ҳақида кўпчилик маълумотга эга эмас. Бунинг ўзига хос иккита асосий сабаби бор:

- биринчидан, шаршара Чортанги дарасининг юриш қийин бўлган ва фақат сўқмоқ йўллар орқали бориладиган жойда жойлашганлиги;

- иккинчидан, шаршара Ўзбекистон-Тожикистон давлат чегараларини муҳофаза қиладиган ҳарбий қисмга яқин жойлашганлиги туфайли ҳам доимий келиб-кетувчилари кам бўлганлигидир.

Келгусида маҳаллий ва хорижлик сайёҳларни кўплаб жалб қилиш мақсадида Қизилсой, Чортанги дараси ва Эсмеральда шаршараларини ўз ичига олган бир кунлик экотурлар ташкил қилиш яхши самара беради.

Еттикечув дарёсининг юқори оқимида, яъни Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида 20 га яқин катта-кичик ғорлар бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам туристик экскурсия уюштириш учун қайта жиҳозланмаган. Фақат Еттикечув қишлоғига яқин айрим ғорлардан маҳаллий аҳоли томонидан музлаткичлар ўрнида фойдаланмоқда. Бу ердаги маҳаллий аҳоли баҳор ва ёз фаслида йиғилган сарёғ ва қатикларини меш (эчки терисидан тайёрланади) ларга солиб, қиш ойларига қадар ғорларда сақлайди. Ғорларда сақланган меш маҳсулотлари бошқа меш маҳсулотларга нисбатан хуштаъмлиги билан ажралиб туради. Шу ўринда Еттикечувда узок йиллар давомида ғорда меш сақлаш саънатини, Франциядаги ғорда вино сақлаш саънатига қиёсланса бўлади. Французлар ғорда тайёрланган виноларининг таъми билан бутун дунёга машҳур бўлган. Еттикечувда ҳам ғорда меш сақлаш саънатини хорижлик сайёҳларга намойиш қилиб, “ғор меш” ларининг брендини дунёга таратса бўлади.

Чортанги дарасидан чиқиб, Еттикечув дарёси оқими бўйлаб 2 км масофа юрилса, сойнинг ўнг томонида тошдан қурилган қальанинг харобалари кўзга ташланади. Бу қадимги афсонавий “Миқ” қальасидир. “Миқ” қальаси Еттикечув қишлоғидан 20 км жанубда, Йўлсой ва Еттикечув дарёсининг юқори қисмида, яъни тик қояли дара тепасида жойлашган.

“Миқ” қальаси ҳақидаги дастлабки илмий хабарлар ўтган асрнинг 40-50 йилларига оиддир. 1980 йилларнинг ўрталарида археологлар томонидан “Миқ” қальасида мақсадли равишда илмий тадқиқот ишлари ўтказилган. Унинг тарихига оид қимматли маълумотлар тўпланиб яхлит бир илмий тизимга солинган (Пругер, 1986).

“Миқ” қальаси 2 қисмга, Юқори ва Пастки “Миқ” қальаларига бўлинади. “Миқ” қальаларида қадимда темир эритиш ишлари амалга оширилган. Темир рудаси Еттикечув дарёсининг чап соҳилидаги Қизилмозор дарасидан шахта усулида қазиб олинган. Шахта ғорлардан 2 таси бугунги кунга қадар сақланиб

қолинган. Ҳозирги кунда ғор оғизлари хавфсизликни ҳисобга олган ҳолда беркитиб қўйилган.

Оға Бургутли (1992) маълумотларига кўра, “Миқ” қаъласи атрофидаги шахта ғорларида “олов услуб” ида темир қазиб олинган. Қазилаётган жойда гулхан ёкилиб қиздирилган, тоғ жинсига эса сув сепилган. Бир неча бор шундай усул такрорлангач жинслар ёрилиб қазиб олиш осонлашаверган. Юмшоқроқ жинслар эса чўкичлар, мисранглар ва ёғоч поналар ёрдамида қазиб олинган. Миқ конида қазувчилар фақат зарур темирли қатламнигина ажратиб олиб, кенглиги юра оладиган ва қазилма ишлари давом эттиришга имкон берадиган даражада белгилаб олганлар. Қадимги кончилар Миқ конида ҳеч бир мустаҳкамлагичсиз ва устунсиз иш олиб боришган. Сабаби, қаттиқ тоғ жинслари шунга имкон туғдирган. Бу ерда қазиб олинган темир рудаларини “Буюк Ипак йўли”нинг бир тармоғи бўлган Ғўралаш ва Шаҳристон доволари орқали Хитой давлатига қадар олиб борилган.

Археологик материаллар маълумотига кўра, “Миқ” қаъласи милодий VII асрларда қурилган, ундаги ҳаёт XII аср ўрталарига қадар давом этган. “Миқ” қаъласи аҳолиси асосан темир рудасини қазиб олиш, уни эритиш ва қисман ундан иш ҳамда ҳарбий қуроллар яшаш билан шуғулланишган.

“Миқ” қаъласи ўзбек халқи бой тарихи ва ҳунармандчилик маданиятининг такрорланмас бир қиррасидир. Юқори ва Пастки “Миқ” қаълалари ва улар учун темир етказиб берган Миқ шахта ғорларни томоша қилиш орқали, қадимда темир қандай қазиб олингани ва қайта ишлангани ҳақида таассавур пайдо бўлади.

Еттикечув ҳавзасининг Чортанги дарасига қадар бўлган жойлари энг арчаси сийрак бўлган ҳудуд ҳисобланади. Бунинг ўзига хос 2 та асосий сабаблари бор:

- биринчидан “Миқ” қаъласида темир эритиш жараёнида жуда кўплаб арчаларни қирқиб юбориб, ўтин сифатида фойдаланган;

- иккинчидан XIX асрда Ўзбекистонга темирйўлнинг кириб келиш ва уни Даштобод шаҳридан ўтиши билан боғлиқдир. Даштобод шаҳридан ўтган паравозлар ёғилги ўрнида арча ўтинларидан фойдаланган. Еттикечув дарёси Зоминсой дарёсининг энг катта ирмоғи бўлганлиги сабабли, Еттикечувнинг юқори оқимидан Зоминсой дарёсининг қуйи оқими (Хулкар кишлоғи) га қадар ёғоч оқиши ишлари амалга оширилган. Натижада, Еттикечув ҳавзасида арчалар жуда кўплаб қирқилиб ҳамда майдони қисқариб кетган.

Дарёнинг ирмоқлари ҳисобланган Қашқасув, Қизилмозор ва Кўлсой ҳамда вақтинча оқувчи Шарилоқсув сойлари - бош дарёси бўлган Еттикечувдан фарқ қилиб, атрофида арчазорлар билан яхши қопланган. Бунинг ўзига хос сабаби шундаки, ушбу сойликлар 2500-3000 м баландликларда жойлашганлиги ва антропоген таъсирларни йўқлиги билан баҳолаш мумкин.

Еттикечув ҳавзасининг Қизилмозор дараси қизғиш тупроқ (таркибида темир моддаси бор) лар тарқалган. Бу ердаги қорларнинг эриши натижасида июнь ойининг биринчи ўн кунлигида Еттикечув ва Зоминсув дарёларининг сувлари қизғиш рангга киради.

Еттикечув дарёсининг ўрта оқимида Арчамозор зиёратгоҳи жойлашган. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, Арчамозор зиёратгоҳи деган жойлар Усмонлисой ва Ўриклисой сойликларининг юқори қисмларида ҳам учрайди. Зоминсув дарёсининг 3 та асосий ирмоғи (Ўрикли, Усмонлисой ва Еттикечув) да ҳам Арчамозор зиёратгоҳлари ва уларнинг ёнида рамзий қабрларни бўлиши, маҳаллий аҳолининг тоғ арчаларига бўлган ҳурматининг юқорилигини билдиради. Сабаби, қадимдан Арчамозордан бошлаб арчаларга зарар етказиш гуноҳ ҳисобланган.

Хулоса ўрнида Еттикечув ҳавзасидаги баъзи бир табиий ёдгорликлар хусусиятини ўрганган ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни бериб ўтамыз:

- Еттикечув ҳавзасида туристларнинг бир неча кун “экологик сўқмоқ” йўналишларида ҳаракатланиши ва ушбу йўналиш вақтида дам олишлари учун “кўчма” уй-меҳмонхоналар ташкил қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- Еттикечув ҳавзасида экотуризмни ривожлантириш борасида реклама ишлари (интернет сайтлар яратиш, реклама роликлари, буклетлар, фотоальбомлар ва ҳ.за) ни олиб боришда маҳаллий туристик ташкилот ва фирмаларга илмий тавсиялар бериш;
- Еттикечув ҳавзасида ёз мавсумида альпинизм, қиш мавсумида тоғ чанғиси спорт турларини йўлга қўйиш ва оммалаштириш орқали хорижий туристлар оқими кўпайтириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш;
- Еттикечув ҳавзасида халқаро тоғ туризмнинг схематик маршрут карталари тайёрлаш ва ҳаракатланиш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш лозим деб ўйламиз.

Фойдаланган адабиётлар

1. Алибеков Л.А. Зомин миллий боғи ва геозкологик муаммолар ечимининг географик асослари. – Тошкент: Фан ва технология, 2013.
2. Оға Бургутли. Тоғ садолари. –Тошкент: “Меҳнат”, 1992 й.
3. Ғўдалов М. Р. Жиззах вилояти табиати ва уни муҳофаза қилиш. - Тошкент: “Фан ва технология”, 2014.
4. Йўлдошев Н., Исматуллаева З. Зомин тумани географияси. – Зомин: 2012 йил 7-15 бетлар.